

2-1-2019

STATISTICAL INDICATORS OF THE LABOR MARKET OF THE USA

M. Umarova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Umarova, M. (2019) "STATISTICAL INDICATORS OF THE LABOR MARKET OF THE USA," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Умарова М.А. – ТДИУ,
докторант, и.ф.н.**

АҚШ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР

Мазкур мақолада ишсизлик даражаси меҳнат бозори саломатлигининг кўрсаткичи сифатида қайд этилиб, бошқа омиллар эса иқтисодиёт, айниқса, меҳнат бозори фаолияти, АҚШ меҳнат статистикаси бюроси олиб бораётган тадқиқотлар акс эттирилган. Иш ўринлари, иш билан бандлар, иқтисодий сабабларга кўра тўлиқсиз иш кунида ишловчи шахслар сони ва иш билан бандликнинг меҳнат бозорининг ҳолати каби кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Халқаро Меҳнат ташкилоти, меҳнат статистикаси бюроси, меҳнат бозори, ишсизлик, ишсизлик даражаси, иш билан бандлик, иш ўринлари, иш вақти.

В статье уровень безработицы рассматривается как показатель здоровья рынка труда. В ней также отражены другие факторы, в частности деятельность рынка труда, исследования, проводимые Бюро статистики труда США. Также проанализированы рабочие места, занятость, количество занятых в неполной рабочей неделе по экономическим причинам и ситуация с занятостью на рынке труда.

Ключевые слова: Всемирная организация труда, Бюро статистики труда, рынок труда, безработица, уровень безработицы, занятость, рабочие места и рабочее время.

Unemployment rate is shown as a health indicator of the labor market and other factors such as economic, especially, activity of labor market, researches carried out by the U.S. Bureau of Labor Statistics are also reflected in this article. It has been analyzed the workplaces, employment, number of ones who are employed in a part time job for economic reasons and employment situation in the labor market.

Key words: World Labor organization, Bureau of Labor Statistics, labor market, unemployment, unemployment rate, employment, workplaces and working time.

АҚШ меҳнат статистикаси бюроси(BLS) томонидан мунтазам тарзда чоп этиладиган “Бандлик соҳасидаги вазиятнинг қисқача маълумотномаси” нашрларида фоиз ставкаларидаги ўзгаришларнинг меҳнат бозорига қай даражада таъсир кўрсатганлигини таҳлил қилишга ёрдам беради. Айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, ҳозирги пайтда фоиз ставкаларининг пасайтирилиши билан бандликни оширишга сабаб бўлади ва ишсизлик даражаси пастлигича қолаверади. Айни пайтда бюджет борасида хавотирга ўрин йўқ. Шу

сабабли ФЗТ аввалгидек 2018 йил давомида иқтисодий ўсиш учун ўз имкониятларини намоён қилган меҳнат бозорининг тикланган ҳолатини кучайтиришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга ҳаракат қилади.

АҚШ статистика амалиётида Меҳнат статистикаси бюроси томонидан ҳисобланадиган ишсизликнинг 6 та кўрсаткичидан фойдаланилади.

1. U1- 15 ва ундан кўп ҳафта мобайнида ишламайдиган ишсизлар улуши.

2. U2- ишни йўқотган ёки вақтинча ишни тугатган ишсизлар улуши.

3. U-3- Халқаро Меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган расмий ишсизлик даражаси. Уларга ишламаётган лекин охириги тўрт ҳафта мобайнида фаол иш қидираётган шахслар киради.

4. $U4=U3+$ “тушкунликка тушган ишчилар” ёки иш қидиришни тўхтатган шахслар, улар мавжуд иқтисодий шароитларда иш топа олмасликларига ишонишади.

5. $U5=U4+$ бошқа “кам ишлайдиган ишчилар” ёки “тўсқинликсиз ишлайдиган ишчилар” ҳамда ишлашни хоҳлайдиган, лекин иш қидирмаганлар.

6. $U6=U5+$ тўлиқ иш вақтида ишлашни хоҳлайдиган, аммо иқтисодий сабабларга кўра иш берувчи иш вақтларини қисқатирганлари сабабли бошқа иш топа олмайдиганлар.[1]

Юқоридаги U-3 ишсизлик даражаси меҳнат бозори саломатлигининг асосий кўрсаткичи сифатида қайд этилмоқда, бошқа “U”лар эса иқтисодиёт, айниқса, меҳнат бозори фаолияти ҳақида янада тўлиқроқ тасаввур бериш ва меҳнат бозорида инфляция тазйикидан мувозанатга келтириши лозим бўлган ҳолатни тушунишга имкон беради. Иш ўринлари ҳақидаги ҳисобот кўрсаткичлари орасида эътиборга моликлари –аҳоли ва иш билан бандлар сонининг нисбати, иқтисодий сабабларга кўра тўлиқсиз иш кунда ишловчи одамлар сони ва иш билан бандликнинг U-бдаги даражаси. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири меҳнат бозорининг ҳолати ва оптимал даражага эришишида муҳим ўрин тутаяди.

Бундан ташқари ушбу кўрсаткичлардаги демографик тафовутлар меҳнат бозоридаги вазиятнинг умумий ҳолатига баҳо беришда кенг фойдаланилади. Масалан, ишсизлик даражаси ноябрда 4,9%дан 4,6%гача пасайган, аммо афроамерикаликлар орасида эса унинг даражаси илгаригидек юқориликгача сақланиб қолмоқда- 8,1%.

Ишсизлик даражаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача бўлган даражада бўлса-да, меҳнат бозоридаги бошқа кўрсаткичларнинг меъёрий даражаси тўлиқ тикланмаган.

Қайд этиш мумкинки, 2016 йилда иш ўринларнинг барқарор ўсиши ўртача тезликда бўлиб, тахминан ойига 180 000 янги иш ўрни даражасида сақланиб турди. Бироқ ўртача ўсиш 2015 йилда анча кўп бўлган эди, ойига ўртача 229 000

иш ўрни қўшилган. Шу билан бирга, 2016 йилда узоқ муддатли ишсизлар сони ўтган йил кузига қараганда паст даражада, 2016 йил ноябрида эса U-3 курси 6 фоиздан кам кўрсаткичи 26-ой кетма-кет қайд этилди. Бу Буюк рецессиядан кейинги сезиларли ривожланишдан далолат берса-да, АҚШдаги бандлик вазияти ҳақида аниқроқ тасаввур берувчи ишсизликнинг янада кенгроқ кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бандликнинг аҳоли сонига нисбати АҚШда иш билан банд одамлар улушини ўлчайди. Бу ишчи кучидаги иштирок улушидан фарқ қилади ва барча иш билан бандлар ҳамда расмий ишсизлар улушини ўлчайди. Аҳолининг асосий сонига нисбатан аҳоли иш билан бандлиги коэффиценти ишлайдиган 25 ёшдан 54 ёшгача бўлган одамлар улушини ўлчайди. Ёшдан ўтиш бўйича чоратадбирлар кўпинча меҳнат бозори саломатлик ҳолатининг энг яхши кўрсаткичи сифатида кўриб чиқилади, чунки унда пенсияга чиқиши мумкин бўлган “беби-бумер”ларнинг сони каттатаъсир кўрсатмайди.

1-жадвал


АҚШда меҳнат ресурсларининг 2000-2016 йиллардаги динамикаси*

Йиллар	Аҳоли сони, млн.киши	Ишчи кучи сони, млн.киши	Иш билан бандлар сони, млн.киши	Ишсизлар сони, млн.киши	Ишсизлик даражаси, %
2000	282,90	142,58	136,89	5,69	3,99
2001	285,80	143,73	136,93	6,80	4,73
2002	288,47	144,86	136,49	8,38	5,78
2003	291,01	146,51	137,74	8,77	5,99
2004	293,53	147,40	139,25	8,15	5,53
2005	296,14	149,32	141,73	7,59	5,08
2006	298,86	151,43	144,43	7,00	4,62
2007	301,66	153,13	146,05	7,08	4,62
2008	304,47	154,29	145,36	8,92	5,78
2009	307,23	154,14	139,88	14,27	9,25
2010	309,88	153,89	139,06	14,83	9,63
2011	312,39	153,62	139,87	13,75	8,95
2012	314,80	154,98	142,47	12,51	8,07
2013	317,14	155,39	143,93	11,46	7,38
2014	319,45	155,92	146,31	9,62	6,17
2015	321,77	157,13	148,83	8,30	5,28
2016	324,12	159,19	151,44	7,75	4,87

Жадвал 1. Муаллиф International financial statistics, august, 2017 маълумотларидан фойдаланиб тайёрлаган.

2011 йилдан бошлаб фаровонлик даражаси ҳамда иш билан бандлик ва аҳоли сонининг умумий нисбати узлуксиз ўсиб бормоқда, ишчи кучидаги иштирок даражаси эса қисқарди ва айни вақтда асосан турғун ҳолатда қолмоқда. Бандликнинг аҳоли сонига нисбатини ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, бандлик кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Аҳоли иш билан бандлиги коэффиценти 2016 йил ноябрдаги иш ўринлари ҳисоботида 59,7 фоизни ташкил этди ва 2009 йил мартдан буён бу кўрсаткич 60 фоиздан камни ташкил этган, 2000 йиллар аксариятида эса 62 фоиздан 64 фоизгача ташкил этган.

Иш билан бандлар сони, млн.киши



Манба: IFS, august, 2017

U-3 да ишсизлик даражаси ишлашни истовчи, бироқ тўлиқ иш кунида ишлаш ниятида бўлган, лекин тўлиқсиз иш кунида ишлаётган шахсларни қамраб олмайди.

Ишсизлик бўйича энг кенг қамровли U-6 кўрсаткичи ўз ичига яқинда иш излаётган, бироқ айни пайтда иш топган ва тўлиқсиз иш кунида банд бўлган, бироқ тўлиқ иш ставкасида ишлашни маъқул кўрган ишчиларни киритади.

U-6 доим U-3 дан юқори, бироқ рецессия даврида тафовут одатдагидан кўра кўпроққа ўсди ёки тикланиш давридаги рекорд кўрсаткичларга яқинлашди.

Иқтисодий сабабларга кўра тўлиқсиз иш кунигагина ёлланадиган ишчилар сони юқорилиги улар тўлиқ иш кунидаги ишни топа олмаётганлигидан далолат беради, бу эса меҳнат бозори ҳали ҳам заиф эканлигидан далолат беради.

Агар тўлиқсиз иш кунидаги ишчилар сонининг ўзгариши уларнинг иш соатлари қисқартирилганлиги ёки тўлиқ иш кунидаги ишни топа олмаётганлиги сабабли содир бўлган бўлса, бу меҳнат бозори барча ишчилар учун қулай

эмаслигини кўрсатади. 2016 йилнинг ноябрь ойида АҚШда тўлиқсиз иш кунида ишловчи ишчилар сони 5,7 млн. кишига камайди.

Иш ўринлари сонининг умумий ўсиши барқарор ҳолати сақланиб қолмоқда ва АҚШ меҳнат бозори барқарорлигининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича ҳолатини анча яхшилаб олди ва бу меҳнат бозорида иш ҳақи ўсишини қўллаб-қувватлаш учун етарлича имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Аҳолининг ишчи кучидаги фоиз улуши пасайиш даражасидан ошди ва ҳозирги пайтда 62,7 фоизни ташкил этмоқда.

Тикланишдан кўрилган фойда аҳолининг турли демографик қатламлари ўртасида бир маромда тақсимланмади, тарихий жиҳатдан меҳнат бозоридаги шароити ёмон бўлган қатламлар илгаригидек узоқ муддатли салбий оқибатларга эга юқори даражадаги ишсизликка дуч келмоқда. АҚШда 2009 йил ноябридан 2016 йил ноябригача бўлган даврда ишсизлик умумий даражаси 9,9%дан 4,6%гача (2016 йил якунлари бўйича – 4,9%[3]), афроамерикаликлар учун кўрсаткич эса 15,7%дан 8,1 %гача пасайди.Диққат-эътиборни яхшиланиш учун имкониятга эга гуруҳларга қаратиш, АҚШ меҳнат бозорининг саломатлиги учун мўлжал бўлиб хизмат қилиши ҳамда уларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини ошириш келгусида иқтисодий ўсиш манбаи бўлиши мумкин.



Манба: IFS, august, 2017.

АҚШ меҳнат бозорида ишчиларнинг салмоқли қисми учун имкониятларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишлари давом этмоқда. Айрим кўрсаткичлар ўзини тиклаган бўлсада, агар ФЗТ иқтисодиёт ўсиш суръатларини секинлаштиришга оид қарорлар қабул қиладиган бўлса, бу гуруҳлар кўпроқ хатар остида қолиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда охириги йилларда U-6 даги ишсизлик даражаси ва аҳоли иш билан бандлиги коэффиценти каби кўрсаткичлар аввалги кучли меҳнат бозори даврларидаги кўрсаткичларга мос келиш имкониятлари мавжудлигидан далолат бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://unemploymentdata.com/what-is-u-6-unemployment/>
2. <http://finnotes.com/employment-usa-10-2011.html>
3. International financial statistics ,august, 2017